Ихтилоф

# Давлат деб тан олинмаган... давлатлар

## ёки геосиёсий манфаатлар йўлида курашаётган Россия ҳамда икки томонлама стандартлардан воз кечолмаётган Ғарб рақобати хусусида

**Халқаро сиёсатда қизиқ бир ҳолат мавжуд: маълум ҳудудларга эгалик учун ўзаро курашаётган мамлакатлар талашилаётган жой арзимас бўлса-да, катта йўқотиш ва харажатлар эвазига рақибга ён бермаслик пайида бўлишади. Бу йўлда мамлакатлар ҳатто талаш бўлаётган ҳудуддан бир нечтасини бемалол сотиб олишга етгулик маблағни ҳам кўз юмиб сарфлаб юборишади. Яъни ҳудудлар учун курашларда моддий манфаат эмас, узоқни кўзлаган сиёсий мақсадлар биринчи планга чиқади. Кўпдан буён катта можароларга сабаб бўлиб келаётган Приднестровье, Абхазия, Жанубий Осетия каби ҳудудлар борасида ҳам ана шу фикрни айтиш мумкин.**

**Собиржон ЁҚУБОВ**



ПРИДНЕСТРОВЬЕ кўпдан буён Молдова раҳбариятининг «ошқозонидаги яра» бўлиб қолмоқда, дейиш мумкин. Мана неча йилдирки, ўзини аллақачон мустақил давлат дея эълон қилган ҳудуд Молдова Республикасидан расман суверенитет беришни талаб этиб чарчамайди. Ўз навбатида расмий Кишинёв ҳам гагаузларга (мазкур ҳудудда асосан гагауз миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади, шу боис Приднестровье Гагаузия деб ҳам аталади) рад жавобини бериш, уларни айирмачилик кайфиятидан айблашдан тўхтамайди. Молдова президенти Александр Воронин Приднестровье масаласига шу қадар жиддий аҳамият бердики, у ҳатто яқин иттифоқчиси бўлган Россия билан бу борада «сен-мен»га боришгача етди.

Молдова раҳбарияти ҳудудни республика таркибида сақлаб қолиш учун нималар қилмади дейсиз. Кишинёв томонидан Тирасполь (Приднестровье маъмурий маркази)га дипломатик босим ўтказилди, иқтисодий тақиқлар қўйилди, божхона ва чегара борасида чекловлар ҳам жорий этилди. Бироқ иқтисодий жазо кўринишидаги чора-тадбирлар шу пайтгача бирор ижобий натижа бермади. Ҳудуднинг мустақиллик учун ҳаракати кучайса кучайдики, сусаймади. 2006 йил охирида ўтган президентлик сайловида мустақиллик тарафдори бўлган Игорь Смирновнинг Приднестровье раҳбарлигига сайланиши ҳудуд аҳолиси ўз аҳдида мустаҳкам турганини кўрсатди. Энг қизиғи, Молдова томони қўлида қўғирчоқ бўлиб қолишдан истиҳола қилган амалдаги президентнинг мухолифатлари ҳам сайловда қатнашишмади...

ЖАНУБИЙ ОСЕТИЯ Михаил Саакашвили раҳбарлигидаги Грузия давлатига туганмас ташвиш келтиряпти. Эдуард Кокойта президент бўлиб турган ҳудуд Грузия таркибидан чиқиб, Россия сафига ўтишни кўпдан буён орзу қилади. Очиғи, Грузия тепасида Россиянинг эски қадрдонларидан Эдуард Шеварнадзе турган пайтда Жанубий Осетия можароси ҳозиргидек кескин тус олмаган эди. Ҳокимият тепасига «Американинг куёви» (М. Саакашвили) келгач, барча халқаро масалалар, хусусан, Россия билан боғлиқ можароларни шартакилик билан ҳал этишга киришилди. Бироқ Грузия каби мўъжазгина давлат Россиядек улкан давлат билан сиёсий рақобатга дош беролмаслиги аниқ эди. Шу тариқа гўёки Россиянинг Грузияда давлат тўнтариши уюштиришга ҳозирлик кўраётгани, кейинроқ жосусликда айбланган рус ҳарбий зобитларининг қамалиши каби можаролар қатори Жанубий Осетия масаласида ҳам Тбилиси мағлубиятга учради. Янги йилни Жанубий Осетия маъмурий маркази Цхинвалида нишонлашга тантанали ваъда берган Грузия мудофаа вазири Ираклий Окруашвилининг ширин орзулари армон бўлиб қолди. Расмий Тбилиси 2006 йил охирида Жанубий Осетияда ўтган президентлик сайловини умид билан кузатганди. Ҳарқалай, мўъжиза рўй бериб ҳокимият тепасига Грузия ҳукуматининг сўзларига қулоқ осадиган арбоб келиб қолиши ҳам мумкин эди-да. Бироқ қизил қор ёғмади, мўъжиза рўй бермади. Ашаддий мустақиллик курашчиси сифатида танилган Эдуард Кокойта янги муддатга Жанубий Осетия президенти бўлиб қолди...

АБХАЗИЯ — халқаро ҳамжамият давлат деб тан олмаган... давлатлардан бири. Грузия гарчи Абхазияни ўз амлоки сифатида иддао қилса-да, амалда ҳудуд аллақачон иқтисодий мустақил бўлиб улгурган. Яъни кўплаб можароли ҳудудлар қатори Абхазия ҳам де-юре — Грузия таркибида, де-факте — ўзига хон, ўзига бек. Дарвоқе, ҳудудда мустақиллик учун умумхалқ овоз бериш тадбири (референдум) ҳам ўтказилган. Бироқ аҳолининг асосий қисми Грузия таркибидан чиқиш учун овоз берган бўлса-да, президент Сергей Багапшнинг мустақил давлат қуриш йўлидаги ҳаракатлари ҳозирча ижобий самара бермаяпти.

Тажрибадан маълумки, ҳудудлар билан боғлиқ можароларни босим ўтказиш, қуролли йўллар билан ҳал этиш имконсиз. Грузия ва Молдова томонидан Приднестровье, Жанубий Осетия, Абхазияга бу тариқа сиёсий босимнинг кучайтирилиши ҳам ихтилофни чуқурлаштиришдан бошқа оқибатга олиб келмайди. Энг ёмони, иқтисодий-сиёсий таъқиб ва тақиқлар мазкур ҳудудлардаги демократик ислоҳотларни ҳам орқага суради. Айни пайтда учала можароли ҳудудда ҳам авторитар ҳокимиятни ёдга солувчи тартиб-қоида ҳукмрон, боз устига, тан олинмаган давлатларда кўпдан буён танланган сиёсий арбоблар раҳбарлик қилиб келишмоқда.

Россия ва Ғарбнинг аксарият халқаро масалалар қатори Абхазия, Жанубий Осетия ва Приднестровье борасида ҳам қарашлари турли қутбларда. Ғарб мамлакатлари (Европа Иттифоқи ва АҚШ) наздида учала ҳудуднинг мустақиллик даъвосидаги уринишлари айирмачилик (сепаратизм)нинг айнан ўзгинаси.

Кремль эса Россиядан ошкора ёрдам сўраётган ҳудудларнинг мустақил давлат тузиш йўлидаги ҳаракатларини халқаро ҳуқуқ меъёрларида мустаҳкамланган эркинликдан фойдаланиш дея талқин қилади. Бу ўринда можароли ҳудудлар ёнини олаётган Россия илгари сураётган далил халқнинг асосий қисми — кўпчилик аҳоли хоҳиш-истагини рўёбга чиқариш талабидир.

Сайёрамиздаги барча давлатлар ҳам, энг аввало, миллий манфаатни байроқ қилиши шубҳасиз. Аслида ҳам халқаро муносабатларда ўз манфаатидан воз кечиб, оғзидаги ошини ҳамкор мамлакатга бериб қўядиган мард (ёки аҳмоқ) топилмаса керак. Бу ёғини сўрасангиз, можароли ҳудудлар борасида ҳам дунё давлатларини холис, адолатли деб бўлмайди. Мисол учун, Абхазия, Жанубия Осетия, Приднестровье масаласида мустақиллик талаб қилаётган ҳудудларни танқид қилаётган Ғарб мамлакатлари сиёсатини таҳлил қилиб кўрайлик.

КОСОВО ҳудуди мана неча йиллардан бери худди юқорида номи зикр этилган давлатчалар каби собиқ Югославия (ҳозирги Сербия) таркибидан чиқишни талаб қилиб келмоқда. Европа Иттифоқининг катта арбоблари ушбу можарода Косово томонини ёқлашмоқда, Сербия ҳукуматини эса миллий озчилик манфаатлари ва ҳуқуқларини бузишда айблашмоқда. Аслини олганда, Косово масаласи билан Абхазия, Жанубий Осетия, Приднестровье можароси ўртасида бирор жиддий фарқ йўқ. Ҳар иккала ҳолатда ҳам кичик маъмурий ҳудудлар суверенитетга эга бўлиш ва ўзи истаган давлат таркибига ўтишни ният қилишмоқда. Бироқ, энг ҳайратланарлиси, айнан бир хил бўлган масалада Ғарб давлатларининг муносабати турлича бўляпти. Бу эса кўпдан буён Ғарб мамлакатларини икки хил стандартларга риоя этишда айблаб келаётган мутахассисларнинг қарашларини тасдиқлайди, холос.

Можароли ҳудудлар борасида Россия ҳам, АҚШ ҳам, Европа Иттифоқи ҳам ўз тўрида ҳақ. Албатта, қайси томон мутлақ ҳақлигини белгилаш журналистнинг ваколатига кирмайди. Бироқ бу ўринда асосий масала БМТ ҳужжатларида, умуман, халқаро ҳуқуқ меъёрларида миллий суверенитет ва давлатнинг ҳудудий дахлсизлиги тушунчалари аниқ ажратилмагани, бу икки мураккаб истилоҳ моҳияти пухта очиб берилмаганини айтиб ўтиш жоиз. Айни шу сабабли можароли ҳудудлар борасидаги ихтилофлар кўпайгандан кўпайиб боряпти. Масалан, Тайвань Хитойдан суверенитет талаб қилса, Пекин раҳбарияти давлатнинг ҳудудий яхлитлигини рўкач қилиб бемалол маъмурий ҳудуд сўровини рад этиши мумкин. Яъни халқаро ҳуқуқ меъёрлари бундай зиддиятли вазиятларни бартараф этишда кўп бора панд бериб қўйяпти. Бу жиҳатдан, халқаро меъёрларнинг аниқ ишлаш механизмини амалга татбиқ этиш ҳақида гапираётган мутахассислар минг карра ҳақлар.

Дараклар

### Қозоғистон Бош вазирсиз қолди



**Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев мамлакат бош вазири Даниал Ахметовнинг истеъфосини қабул қилди. Бу ҳақда Kazakhstan today агентлигига ҳукумат амалдорларидан бири маълумот берган.**

**Даниал Ахметов 2003 йилнинг июнидан буён мамлакат ҳукумати раҳбари лавозимида ишлаб келаётган эди.**

**Эндиликда президент Н. Назарбоев парламентга янги бош вазир номзодини тақдим этиши керак.**

### Бангладешда норозилик тўлқини



**Бангладешда амалдаги ҳукуматга мухолифатда бўлган сиёсий кучларнинг норозилик чиқишлари давом этмоқда. Собиқ бош вазир Шайх Хасин тарафдорлари раҳбарлигидаги мухолифат мамлакатдаги автомобиль йўлларини тўсиб қўйган, полиция ва намойишчилар ўртасидаги тўқнашувларда ўнлаб инсонлар жароҳат олган.**

**Мухолифат мамлакат президенти Яжиддин Аҳмад истеъфосини талаб қилмоқда.**

### Горбачёв журналистлик қилмоқчи



**Собиқ Иттифоқнинг биринчи ва охирги президенти Михаил Горбачёв 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб дунёнинг етакчи газеталарида ўз муаллифлик рукнларига эга бўлади. New York Times таклифи билан амалга оширилаётган лойиҳага кўра, Михаил Горбачёв АҚШ, Лотин Америкаси, Осиё ва Европанинг нуфузли газеталарида халқаро сиёсатнинг муҳим масалалари ҳақида ўз мақолаларини мунтазам бериб боради.**

### Boeing Airbusни ортда қолдирди



**Американинг Boeing авиақурилиш концерни сўнгги олти йилда илк маротаба имзоланган шартномалар миқдори бўйича Европанинг Airbus компаниясини ортда қолдирди.**

**2006 йилда Boeing 904 та самолёт тайёрлаш учун буюртма олди. Концернннинг асосий рақобатчиси Airbus эса 700 та авиалайнер учун шартнома имзолаган.**

Рейтинг

## Энг ҳалол касб эгалари

**Американикларнинг 82 фоиз ҳамшираларни энг ҳалол инсонлар деб билишади. Gallup компанияси томонидан касб-кор мавзусида ўтказилган ижтимоий сўров ана шундай натижани кўрсатди. Шунингдек, респондентларнинг кўпчилик қисми фармацевтлар, ветеринарлар, врачлар ва тиш шифокорларига ишонч билдирганлар.**

**Демак, Gallup хулосасига кўра, АҚШдаги энг ҳалол касб эгалари:**

1. Ҳамшира — **82 %**
2. Фармацевт — **73 %**
3. Ветеринар — **71 %**
4. Врач — **69 %**
5. Тиш шифокори — **62 %**
6. Муҳандис — **61 %**
7. Ўқитувчи — **58 %**
8. Руҳоний — **58 %**
9. Полициячи — **54 %**
10. Психиатр — **38 %**

Он-лайн

## Цензура учун... 2 миллион доллар жарима!

*АҚШда яқин кунларда «Интернетда глобал эркинлик тўғрисида»ги қонун кучга кириши мумкин. Ўтган йил бошидан буён қизғин муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаси Америка давлат департаменти қўллаб-қувватлаши билан тайёрланган.*

**Абдул СОБИР**



Интернет тармоғида сўз эркинлигини таъминлашга бағишланган қонун лойиҳасини тайёрлаш йўлидаги ҳаракат ўтган йилнинг февралида бошланган эди. Ўшанда Давлат департаменти томонидан GIFT (Global Internet Freedom Task Force — «Интернетда глобал сўз эркинлиги бўйича тезкор гуруҳ») деб номланган махсус гуруҳ тузилганди.

Ўз номи билан кимлар-гадир «совға» бўлган гуруҳ (GIFT инглиз тилидан таржима қилганда, «совға» маъносини билдиради), энг аввало, дунё давлатларида Интернет эркинлиги бўйича мониторинг олиб боради. Шу билан бирга GIFT гуруҳи халқаро компьютер тармоғида сўз эркинлигини бўғишга ҳаракат қилаётган кучларга қарши курашади. Интернетдан фойдаланувчилар сонини ошириш, дунё миқёсида халқаро тармоққа уланувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳам GIFTнинг асосий мақсадлари сирасига киради.

Халқаро тажрибадан маълумки, Интернетда сўз эркинлигига қарши курашаётган давлатлар, энг аввало, шу соҳада етакчи бўлган компаниялар хизматидан фойдаланади. Масалан, дунёга машҳур Google компанияси Хитой ҳукумати билан Интернет сайтларини ёпиб қўйиш, халқаро тармоқдан фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларини етказиш борасида ҳамкорлик қилади. Бунинг эвазига Хитой ҳукумати АҚШ компаниясига ўз ҳудудида бемалол иш олиб боришига изн берган.

Янги қонунга кўра, Америка компанияларига Интернетда сўз эркинлигини чеклаш амалиётларида бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек, маълум шахслар — халқаро тармоқ фойдаланувчилари тўғрисидаги махфий маълумотларни ҳуқуқ-тартибот идораларига беришни ҳам тақиқлайди.

GIFT томонидан тайёрланган қонун лойиҳасига кўра, Интернетда сўз эркинлигини чеклаш борасида фаолиятга аралашган ёки фуқаролар тўғрисидаги шахсий маълумотларни берган жисмоний ёки юридик шахслар 2 миллион долларга қадар жаримага тортилиши мумкин.

Глобал эркинлик тўғрисидаги ҳужжатда Интернет фойдаланувчиларининг халқаро меъёрларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини бузганлик учун 5 йилгача бўлган озодликдан маҳрум этиш жазоси ҳам кўзда тутилган.

Сўнгги пайтларда Американинг Yahoo!, Google, MSN каби он-лайн технологиялар соҳасидаги кўплаб етакчи компаниялари Интернетда сўз эркинлигини чеклаш, цензурага кўмак бериш каби айблар билан халқаро можароларга аралашиб қолди. GIFT томонидан илгари сурилаётан қонун лойиҳаси мазкур каби компанияларни бундан буён ўз фаолиятини мутлақо янги тартибда кўриб чиқишини талаб этади. Акс ҳолда, халқаро тармоқдаги сўз эркинлигига тўсқинлик учун компаниялар жуда катта миқдорда жаримага тортилиши мумкин.

Иқтибос



*«Саддам Ҳусайннинг қатл этилиши аллақачон фуқаролар уруши остонасига келиб қолган Ироқдаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг бундан-да ёмонлашуви ва миллий ихтилофларнинг кучайишига олиб келади.*

*... Афсуски, кўплаб давлатлар, халқаро ташкилотларнинг Ироқ собиқ раҳбарига ўлим жазосини қўлламаслик лозимлиги тўғрисидаги чақириқлари эътиборсиз қолдирилди».*

**Михаил КАМИНИН,**
Россия Ташқи ишлар вазирлиги вакили

ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАР
GLOBUS
INTERNATIONAL LIFE

# Ишга солинмаган имкониятлар кўп

## Юртимиз ННТлари фаолияти борасида ўтказилган ижтимоий сўровда ана шу хулоса кўпчилик томонидан қайд этилди

**МУХБИРИМИЗ**

Бугун мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони 5000 дан ошди. Албатта, агар ҳамма нарсани миқдор ҳал қилганда эди, бемалол дўппимизни осмонга отсак ҳам бўлаверарди. Чунки бундай миқдордаги ННТ юртимизга яқин қўшни бўлган давлатларда ҳам мавжуд эмас. Лекин сифат эмас, сон бирламчи саналган даврлар аллақачон тарих мулкига айланган...

Хўш, республикамизнинг турли ҳудудларида турфа соҳалар бўйича иш олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини қандай баҳолаш мумкин? Яқинда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ўтказган ижтимоий сўров натижаларидан ана шу саволга атрофлича жавоб олиш мумкин.

Республикамизда учинчи сектор институтларининг ривожланиш ҳолатини шу соҳада иш олиб бораётган мутахассислардан ҳам яхшироқ биладиган инсонлар бўлмаса керак. Шу боис ҳам, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ижтимоий тадқиқотни айнан мамлакатимиз нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ўртасида ташкил қилди.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, сўровда иштирок этган ННТ вакиллари шу йўналишда икки йилдан беш йилгача иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар саналади ва уларнинг фаолияти хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимояси, ёшлар ҳуқуқий маданиятини ошириш, таълимни ривожлантириш, имконияти чекланган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хайрия, тендер муносабатлари каби турли йўналишларни қамраб олган.

Ижтимоий сўровда қатнашганларнинг аксарияти мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг сон ва сифат жиҳатидан ўсишини ижобий ҳодиса сифатида баҳолаган. Эътироф этилишича, 1990-йиллар бошида республикада саноқли ННТ фаолият юритган бўлса, бугунги келиб улар сони бир неча мингтани ташкил этмоқда.

> ***Сўров қатнашчиларининг салкам учдан бири учинчи сектор вакилларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий билими ва маданияти, бир сўз билан айтганда, профессионал малакаси етарли эмаслигини долзарб муаммо сифатида қайд этган.***

Респондентларнинг деярли барчаси миллий қонунчилигимизда учинчи сектор равнақи учун керакли ҳуқуқий асос яратилган, деган фикрдалар. Бу борада иштирокчилар томонидан 1999 йилда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги ҳамда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари кафолатлари тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари алоҳида қайд этиб ўтилган.

Ижтимоий сўров натижаларига кўра, респондентларнинг кўпчилик қисми (51 фоизи) Адлия вазирлиги идораларини ННТ учун ахборот кўмаги, ташкилий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасида асосий манба сифатида эътироф этган.

Шунингдек, респондентларнинг кўпчилик қисми Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ташкил этилиши ва фаолиятини ижобий ҳодиса деб ҳисоблайди. Иштирокчиларнинг 22 фоизи миллий ассоциация мамлакатимиз ННТларини қўллаб-қувватлаш борасида асосий таянч бўлишига умид билдирган.



Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти сўровида қатнашган мутахассисларнинг ярмидан кўпроғи (51 фоиз) мамлакатимиз нодавлат сектори хусусида ижобий фикр билдирган. Жумладан, сўралганларнинг 34 фоизи ўзлари ишлаётган ННТ ҳақида фикр юритиб, низом талабидан келиб чиқиб қилинаётган ишларни «етарли даражада яхши» деб баҳолаган. Респондентларнинг 38 фоизи эса бу борада фаолиятни «ўрта даражада» деб қайд этган.

Етакчи социолог олимлар аҳоли томонидан фақат ижобий муносабат билдирилган ижтимоий сўровларнинг ишончли эканини шубҳа билдиришади. Чунки энг ривожланган давлатларда ҳам фуқаролар қалбига бирдай йўл топиш, ҳамманинг кўнглини бирдай олиш мумкин бўлмаган ишдир.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ўтказган ижтимоий сўров давомида ҳам мамлакатимиз ННТлари фаолиятига танқидий муносабатни ифодаловчи фикрлар айтилди.

Хусусан, сўралганларнинг 15 фоизи юртимизда иш олиб бораётган ННТлари ўз низомидан келиб чиқувчи вазифаларни ҳал этишда етарли салоҳиятга эга эмас деб ҳисоблайди. Респондентлар фикрича, улар ҳали ўз фаолиятини мониторинг қилишлари, ташкилий тизим механизмини йўлга қўйишлари, шунингдек, грант маблағларини олиш борасида кўп ишлашлари талаб этилади.

Ижтимоий тадқиқот қатнашчиларининг салкам учдан бири учинчи сектор вакилларининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий билими ва маданияти, бир сўз билан айтганда, профессионал малакаси етарли эмаслигини долзарб муаммо сифатида қайд этган.

Сўровнинг муҳим хулосаларидан бири — респондентларнинг 19 фоизи республикамизда фаолият олиб бораётган ННТларининг ишга солинмаган имкониятлари ҳали кўп эканини таъкидлаган. Уларнинг қайд этишларича, «ННТлар жамият салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқаришга қодир реал учинчи секторга айланиши керак». Бу эса, табиийки, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларидан ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш, ўз профессионал имкониятлари, билим ва малакаларини мунтазам ошириб боришни талаб этади.

Респондентларнинг фикрича, юртимиздаги нодавлат сектор институтларини ривожлантириш учун амалий тадбирлар — ННТ вакиллари учун мунтазам ўқув курслари, семинарлар, тренингларни янада кўпроқ ташкил этиш зарур.

Шу билан бирга сўров жараёнида учинчи сектор ташкилотлари фаолиятини янада кенг тарғиб қилиш учун ЎзННТМА ёки Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти қошида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ягона ахборот базасини тузиш таклифи ҳам илгари сурилди. Бу марказ ННТларига ахборот материаллари, ўқув қўлланмалари чоп этиш, веб-саҳифалар очиш, бир сўз билан айтганда, учинчи сектор ташкилотлари ўртасида ўзаро ахборот алмашувини кучайтиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, сўров иштирокчилари томонидан учинчи секторга давлат буюртмаларини жалб этиш орқали ҳокимият идоралари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш тавсия этилди.

**Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. *Лойиҳа: "Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни".***

Эҳтиром

*Очиғини айтай, мен қаламга олмоқчи бўлган хушмуомала, хушфеъл инсонни ниҳоятда ҳурмат қилганман ва 70 йил давомида машҳур қаламкаш, атоқли маданият арбоби Ҳамид Ғулом ижодини кузатиб борганман. Биринчи бор унинг шеърлари — “Бизнинг лагерь”, “Қуёш каби чароғон”ларни, “Катерина”, “Қасосим бор” каби балладаларини ўрта мактабдаёқ ўқиб, жозибаси ва мазмунига қойил қолган эдим. Шу-шу Ҳамид Ғуломга меҳрим тушиб қолди. Унинг қаламидан чиққан бадиий асарларни завқ билан ўқиб бордим. Уларни ўқиган сари муаллифга бўлган меҳрим, муҳаббатим ошиб, тобланиб борди. Шу сабабдан ҳам айрим асарларига оғзаки ёки ёзма равишда муносабатларимни мамнуният билан билдириб турганман.*

**Ҳафиз АБДУСАМАТОВ**

# Серқирра ижодкор

Тўғри, Ҳамид Ғуломнинг асосий ижодий фаолияти шўро даврига тўғри келади. Шу сабабдан ҳам, у замонга мослашиб қалам тебратишга мажбур бўлган. Лекин санъаткорнинг бу жиҳатларини бўртириб, баракали ижодини камситишга ёки инкор этишга асос йўқ. Баъзан Ҳамид Ғуломнинг ижоди шўро мафкураси билан суғорилган, шунинг учун ундан воз кечишимиз лозим, у мустақиллик мафкурасига зид, деган гапларни эшитиб турамиз. Бундай фикрларга асло қўшилиб бўлмайди. Шу нарсани назарга олишимиз лозимки, сиёсат ва халқ меҳнатини тенглаштириб, бир қолипга солиб, бадиий асарларга баҳо бериб бўлмайди. Сиёсат деб халқ меҳнатини, курашини орзу-умидларини инкор этиш, камситиш йўлига ўтмаслик лозим. Сиёсатга меҳнат ҳақиқатини қурбон қилмаслик керак. Сиёсат бошқа, халқ меҳнати бошқа.

Тарихга назар ташласак, янги пайдо бўлган тузумга қараб, ўзига хос сиёсат ҳам рўёбга чиқаверган. Аммо халқ тузум қандай бўлишидан қатъи назар ҳамиша астойдил меҳнат қилган. Мамлакатдаги ўзгаришларни, ютуқларни ҳам фақат сиёсатга боғлайвермасдан, улар халқ оммасининг қаҳрамонона меҳнати туфайли юз берганлигини таъкидлашимизни давр талаб қилади.

Буларни айтишдан мақсад, Ҳамид Ғулом ҳам мумкин қадар, ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиқиб, асосий урғуни фуқароларнинг меҳнатини, курашини ёритишга қаратган. Бу ҳақиқатни назарга олмасак, Ҳамид Ғулом ижодини таҳлил қилишда адашиб кетишимиз мумкин.

Ҳамид Ғулом ижодининг туб моҳиятига назар солсак, унда соғлом ғоялар, олижаноб ниятлар, мустақиллик мафкурасига мос ва хос бўлган қарашлар, бадиий баркамоллик жиҳатлари бўртиб туради. Унинг бирорта асари йўқки, меҳнат кишиси улуғланмаган бўлсин, меҳнатнинг Ватанни юксалтиришда, халқ фаровонлигини таъминлашдаги роли кўрсатилмаган бўлсин. Масалан, у “Сенга интиламан”, “Бинафша атри” романларида Мирзачўлни ўзлаштиришда жонбозлик кўрсатган замондошларимизнинг ҳаёти ва курашини мадҳ этади. Ёки “Тошкентликлар” романини олайлик. Унда Иккинчи жаҳон уруши йилларида фидокорона ишлаган аёллар ва кексаларнинг, эвакуация қилинган завод-фабрикаларни тезда қайта ишга туширишда кунни тунга улаб қилган қаҳрамонона меҳнатлари завқ-шавқ билан ҳикоя қилинади. Бу асарда меҳнат билан фронтдаги мардлик эгизак сифатида ифода этилган.

Ҳамид Ғулом ижоди ўзбек миллатининг маълум даражада бадиий солномаси сифатида кўз олдимизда гавдаланади. “Машъал” романида XX асрнинг бошларида ўзбек халқининг ҳаётида содир бўлган муҳим масала — маданий кўтарилиш жараёни ёрқин, бадиий шаклда ифодаланган. Шу каби “Мангулик” ҳам маънавий-маърифий ишларнинг республикада жадаллашишини акс эттиради. Буларга унинг поэтик асарларини, қатор очерклари ва комедияларини қўшсак, ишончимиз янада ортади. Характерли томони шундаки, у адабиётнинг барча тур ва жанрларида муваффақиятли қалам тебратди. У шоир сифатида ҳам, ношир, драматург, очеркнавис, таржимон сифатида ҳам баракали ижод қилган.

Энг қийин жанрда ҳам у ўзига хос услуб яратди, унинг сир-асрорларини чуқур ўрганиб, драматургияни, айниқса, комедияни тараққий эттирди. Ҳамид Ғулом ўз комедияларига мусиқа басталашда йирик бастакорларимиз — Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий, Манас Левиев, Сулаймон Юдаковларни жалб қила олди. Демак, комедияларининг бадиий савияси уларни қониқтирган. Санъаткорнинг кўпгина комедияларини томошабинлар илиқ кутиб олишди, шу сабабдан ҳам улар узоқ вақт саҳнадан тушмади.

**“Қуралай кўз, қуралай,**
**Туйнугингдан мўралай,**
**Сан ялло айтганингда**
**Оҳангига йўрғалай”.**

“Тошболта ошиқ” комедиясидаги бу ария томошабинлар ўртасида кенг тарқалиб ёд бўлиб кетган. Яна шуни тан олиб айтиш керакки, ҳеч ким мусиқали театрлар учун Ҳамид Ғуломдек кўп комедияларни тақдим этмаган, томошабинларга қувончли кулгуни улашмаган.

Адибнинг яна жиддий ижодий саҳифалари ҳам борки, улар ҳақида тўхталмасак, ижодий қиёфаси кўз олдимизда тўла намоён бўлмай қолади. Гап санъаткорнинг либреттист ва киносценаристлиги устида кетмоқда. Алишер Навоий операсининг асоси — либреттоси ҳам талантли шоиримиз қаламига мансуб.

Кўриниб турибдики, Ҳамид Ғулом серқирра ижодкор. У қайси жанрга қўл урмасин, уни қойил қилиб уддалайди. Булардан ташқари унинг ташкилотчилик қобилиятини айтмайсизми! Қайси лавозимда ишламасин, ўша жойга янгилик олиб киришга, уни кўтаришга интилади ва бунга эришади ҳам. “Шарқ юлдузи” журналининг бош муҳаррири, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётининг директори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби каби лавозимларни ўрнига қўйиб бажарди. Маданиятимиз ривожига, қаламкашларнинг асарларини чоп эттиришга катта ҳисса қўшди.

Ҳамид Ғуломнинг бу фазилатлари атоқли рус адиби Константин Симоновни эслатади. Ўзбек санъаткорининг рус қаламкаши билан самимий ҳамкорлиги, дўстлик ришталари ўзининг ажойиб меваларини берган. Ҳамкорликда Мирзачўл ҳақида фильм сценарийсини ёзишлари, бир-бирларининг асарларини ўз она тилларига таржима қилишлари ҳам дўстликнинг самараси бўлган.

Бир ажойиб ҳодисанинг шоҳиди бўлганман. Ҳамид Ғуломнинг ҳузурига Константин Симонов келганида, у Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак” повестини мақтаб-мақтаб, улуғ рус адибига таржима қилдиришга сазовор бўлади. Бу унинг катта савобли иши эди.

Ҳамид Ғулом ижодида яна бир фазилат борки, у ҳам бўлса, чин, ҳаққоний, самимий дўстликни куйлаш. Адиб тор миллий қобиққа ўралиб қолмасдан, кенг кўламда қалам тебратди. Унинг нигоҳи Африка, Осиё қитъаларигача, қатор мамлакатларга тушади. Ҳамид Ғулом жуда кўп мамлакатларни кезди, ўзининг зийрак кўзи билан у ердаги ҳаётни кузатди. Унинг “Қитъалар уйғоқ” балладаси, “Куба ҳақида ҳикоялар”, “Япония ҳақида ҳикоялар”, “Жазоирда тонг”, “Европага саёҳат” каби қатор достонлари ва очерклари билан адабиётимизда халқаро мавзуни бойитди.

Серқирра ва серҳосил, серфарзанд ва сердавлат ижодкор Ҳамид Ғулом икки бор давлат мукофоти билан, “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланиши, “Ўзбекистон халқ ёзувчиси”, “Хизмат кўрсатган санъат арбоби” унвонларининг берилиши, унинг юксак ижодий хизматларини муносиб баҳоланишидир.

Қиёфа

# Бисмарк: Сиёсат ва Матбуот

**Дилфуза ҚЎЛДОШЕВА** тайёрлади



“Буюк масалалар нутқ ирод қилиш ва парламент резолюциялари билан эмас, балки қилич ва қон билан ҳал қилинади”. Ушбу сўзларни Германия буюк канцлери Отто фон Бисмарк томонидан 1848 йили айтилган эди. Лекин у ўз фикрини 1864 йилга келиб ўзгартиради: “Ҳукумат учун баъзи масалаларни ҳал этишнинг энг сўнгги чораси найзадир”. Бисмарк матбуотни ёқтирмаган, ҳатто писанд қилмаган бўлса-да, у ўзининг сиёсий ҳамда дипломатик фаолиятида матбуотдан унумли фойдаланган.

> Газета — босмахона бўёғи билан булғанган қоғоз.

300 йиллик тарих давомида Бисмаркнинг ота аждодлари Францияга қарши бўлган урушларда қатнашиб келишган. Унинг отаси Наполеон билан бўлган урушларда ҳам иштирок этган. Лекин профессорлар оиласидан бўлган онаси ҳарбийга турмушга чиққанидан кўп бора афсус чекарди. Балки шунинг учун ҳам Бисмарк дипломатик лавозимда ишлаган, ажнабийча фамилия эгаларини, айниқса, французча фамилияли кишиларни ва француз тилини жуда ёмон кўргандир. У алам билан “Француз тилини оберкельнер лавозимида ишлайдиганчалик билсанг ҳам, у сенга дипломатик хизмат давомида кўп нарсаларни беради”, дея ёзган эди.

Француз элчиси Бенедикт уларга Бельгияни бериш таклифини келтирганида, Бисмарк ёзма мурожаат қилишни сўрайди ва муроди ҳосил бўлган канцлер таклифни қабул қилмаслигини айтади. “Ўзимда йўқ нарсани қандай қилиб бировга беришим мумкин?” дейди у.

Мазкур ҳужжат Пруссия вазирлигининг сейфида сақланар эди. Вақти келиб, 1970 йили Франция Пруссияга уруш эълон қилганида, Бисмарк ҳужжатни шу воқеага оид суратлар билан бирга Европанинг юқори идораларига топширади ва бир вақтнинг ўзида инглизларнинг “Таймс” газетасида чоп эттириб юборади. Бунинг натижасида эса у ижтимоий фикрни Францияга қарши қилиб қўяди.

Бисмарк матбуотни сотилувчан, бўйсунувчан, мутлақо принципсиз ва ёлғончи деб ҳисоблаган бўлса-да, у матбуотнинг жамиятни бошқаришдаги ролини яхшигина фаҳмлаган. Шунинг учун ҳам “буюк канцлер” ўз мақсадлари йўлида газеталардан жуда оқилона фойдаланган.

Уни ҳеч ким ёшлигида, яъни Ландтаг депутати бўлиб юрган вақтлари тахаллус билан мақолалар ёзиб турган деб ўйламайди. Бисмарк асосан заҳарханда фельетонлар ёзиб, ўз қаламининг тиғини душманларига қаратарди. Кейинчалик ҳам кўпгина муҳим сиёсий мақолалар унинг диктовкаси остида ёзилган. Бундай мақолаларга ўзгартириш киритиш қатъиян тақиқланарди. Чунки уларга давлат ҳужжати сифатида қаралиши кераклиги шахсан “буюк канцлер” томонидан буюрилганди.

Истеъфода бўлган чоғларида ҳам Отто фон Бисмарк ўзини газета ўқиб туришдан маҳрум қилмади.

## Ҳафта ҳикмати

*Агар фикр билан пул топилса, фикр озод бўлолмайди.*

**Бертран РАССЕЛ**

Ҳазил

# «Айнан зотилжамдан ўласиз»

(турк халқ латифалари)

Турк тилидан **Фаррух ЖАББОРОВ** таржимаси

## Опера театрида

***Тамалнинг онаси истамбуллик, отаси қорадентизлик эди. Истамбулга борганда, тоғаси Тамални семфония оркестри жўрлигидаги операга олиб борди. Тамал тоғасидан сўради:***

***— Нега анави одам қўлидаги чўп билан хотинини қўрқитяпти?***

***— Қўрқитгани йўқ, жиян. У оркесторнинг «шеф»и бўлади.***

***Тамал бироз ўйланиб турди-да, яна сўради:***

***— Агар у қўрқитмаётган бўлса, хотини нега бунчалик бақиряпти?***

## Энг яқин лифт

***Тамал бир бинонинг қоровули эди. Тўсатдан лифт бўзилиб қолди. Тамал эшикка эълон осиб қўйди: «Энг яқин лифт нариги бинода».***

## Тасалли

***Доктор Тамалнинг қабулига келган бемор олдинги шифокордан нолиган бўлди:***

***— Зотилжам деб ташхис қўйиб даволайди. Бемор эса тифдан ўлади...***

***Тамал бамайлихотир деди:***

***— Хавотир олманг, мен зотилжамдан даволасам, айнан зотилжамдан ўласиз...***

## Доно Тамал

***Тамал Эдирнадан Истамбулга поездга келди. Поезддан тушгач, юришга ҳоли қолмай, мазаси қочди. Сўраганларга:***

***— Поездда тескари ўтириб келдим, — деди.***

***— Қаршингдаги одамдан жой алмаштиришни илтимос қилмадингми?***

***— Бу фикр хаёлимга келди. Лекин қаршимда ҳеч ким йўқ эди-да!***

## Сандоннинг сабаби

***Тамал Идрис билан Саҳрои Кабирда учрашиб қолди. Тамал катта темир қафасни елкалаб олган, Идрис эса битта сандонни қучоқлаб юрибди.***

***Идрис:***

***— Бу қафасни иссиқда нега кўтариб юрибсан?***

***— Ваҳший ҳайвонлардан асраниш учун.***

***— Тушунмадим.***

***— Нимасига тушунмайсан? Олдимдан шер чиқиб қолса, қафаснинг ичига кириб оламан-да, эшигини қулфлайман. Сенинг ўзинг нега сандон кўтариб юрибсан?***

***— Худди ўша сабабдан.***

***— Яъни?***

***— Шерлардан асраниш учун.***

***— Қандай қилиб?***

***— Ниҳоятда осон. Олдимдан шер чиқиб колса, сандонни ташлаб қочаман.***

***— Тушунмадим. Сандонни ташлаб қочсанг, нега уни кўтариб юрибсан?***

***— Вой, аҳмоғей! Шунгаям тушунмадингми? Сандонни ташлаганимдан кейин тезроқ чопаман-да!..***

Мутолаа

**Ижтимоий воқеликни мажоз воситасида ифодаловчи масал жанри адабиёт майдонида алоҳида қимматга эга. Қадим даврлардаёқ дунёга машҳур Эзоп томонидан юксак ижодий чўққига олиб чиқилган бу жанрнинг бугун ҳам аҳамияти ортса ортганки, камаймаган.**

**Замонавий адабиётимизда Эзоп анъанасини муносиб давом эттираётган ижодкорлар саноқли. Бу жиҳатдан масал жанрида ёзилган сара асарлар камайиб кетгани тўғрисида айтилаётган фикрлар ҳам ўринли. Таникли публицист ва ёзувчи Мухтор Худойқуловнинг яқиндагина дунё юзини кўрган “Кўз бўлмаса пешона” деб номланган масаллар тўплами айни шу маънавий эҳтиёж замирида яратилган дейиш мумкин.**

# Чўпчак эмас, ҳақиқат

**С. КАМОЛ**




Масалчи ёзувчи сифатида ҳам танилган Мухтор Худойқулов тўпламга киритилган насрий масалларида сизу бизнинг кундалик ҳаётимизни мажоз ва ижодий тафаккур воситасида тасвирлайди. Ижодкорнинг қалб қўри ва кўз нури ифодаси бўлган кичик насрий масаллар орасида сунъий, зўрма-зўраки ёзилганлари йўқ. Тўпламга киритилган кичик асарларнинг барчаси ҳаётийлиги ва самимийлиги билан ўқувчи эътиборини тортади. Ўз навбатида чуқур фалсафий хулосалар китобхонни ўйлашга, фикрлашга ундайди.

Асар муаллифининг ижодий муваффақияти шундаки, у атрофимиздаги кунда-кунора бўладиган, бироқ биз кўп-да эътибор бермайдиган воқеалар, ҳолатлардан чуқур ҳаётий мантиқ ва хулосалар топа олган ҳамда ана шу хулосаларни кичик масаллар замирига моҳирлик билан сингдирган.

Тўпламга киритилган ҳар бир масални ўқиган китобхон йўқотган бир нарсасини топгандай бўлади, муаллифнинг ижодий тафаккури маҳсули бўлган кашфиётларни мароқ билан мутолаа қилади.

Ёзувчи Мухтор Худойқулов ҳажман кичик насрий масалларга йирик роман ва қиссаларга мавзу бўлгулик ҳаётий ҳақиқатларни маҳорат билан сиғдира олган. “Эзоп тили”да битилган мўъжаз асарларда одамни ҳазрати инсон рутбасига кўтарган фазилатлар улуғланади, Одам ато авлодини ҳақирликка етакловчи иллатлар фош этилади.

Тўпламга Эзопнинг “Масал бу уйдирма гап ҳам эмас, чўпчак ҳам эмас, балки ҳақиқатдир” деган машҳур сўзлари эпиграф қилинган. Айни шу сўзларни бемалол ёзувчи Мухтор Худойқулов масалларига ҳам татбиқ этиш мумкин. Минг марта гапиргандан бир марта ўқиган афзал. Азиз ўқувчи, “Кўз бўлмаса пешона” тўпламини бир бор ўқинг. Ишонамизки, сиз ҳам хулосаларимизга қўшиласиз.

## Замонлар алмашуви




Тош асри — Бронза асри — Темир асри — Ўрта асрлар — Саноат асри — Ахборот асри

Туйғу

# Сиз...

**Асрор АЛЛАЁРОВ**

**Сиз ҳижрондан қолган ёдгорлик,**
**Юрагимнинг ишонган тоғи.**
**Сиз кўнглимга келган бедорлик,**
**Кўзларимнинг суйган ардоғи.**

**Сиз севгимнинг беланчагида,**
**Ҳисларимни аллалаган қиз.**
**Гоҳ осмоннинг бир бурчагида,**
**Дардларимни тинглаган юлдуз.**

**Сиз баҳорда уйғонган япроқ,**
**Ҳу-ув тоғларнинг бошидаги қор.**
**Сиз қалбимга келган илк титроқ,**
**Севгисини қизғонган бир ёр.**

**Сиз орзунинг куйларидаги,**
**Маҳзун-маҳзун янграган қўшиқ.**
**Мен армоннинг ўйларидаги,**
**Севгисига етмаган ошиқ.**

**Сиз кўнглимда уйғотган ишонч,**
**Гоҳ дардимга қўшилган қайғу.**
**Сиз бағримга сиғмаган қувонч,**
**Армонларга айланган орзу.**

# Мусаҳҳиҳ янглишганда

**Омонулла АБДУСАЛОМОВ**

Юрак илгаклари *(тилаклари)*.

Эр талаб *(эрталаб)* кампирлар чойхонага бормоқчи.

Энди навбат бошларга *(ёшларга)*.

Кирни *(бирни)* кўриб фикр қил.

Эрни *(ерни)* боқсанг — белни *(элни)* боқади.

Очиқ тешиклар *(эшиклар)* куни.

Газетхон кўз *(сўз)* сўрайди.

Шипионимизни *(шийпонимизни)* қайтариб беринг.

Чим *(сим)* ўғриларининг сири очилди.

Унинг ойлиги тийинми *(тайинми)*?

Ҳали айёр *(тайёр)* эмасман.

Нега мени қашлаб *(ташлаб)* кетдинг?

Вақт – энг олис *(холис)* ҳакам.

Телефоним тишламаяпти *(ишламаяпти)*.

Наврўз қўй *(тўй)*ларга уланиб кетди.

Қош *(ёш)*лар билан учрашув.

Гапни гапир туққанга *(уққанга)*.

Унинг лозимини *(лавозимини)* кўтариш керак.

Мактаб кутубхонаси тойиб *(бойиб)* кетмоқда.

Таътилда дам соласизми *(оласизми)*, домла?

Юракни тилиш *(билиш)* фаолияти.

Коррупция – жамиятни семиртирувчи *(емирувчи)* иллат.

Бош ёмон *(омон)* бўлса, дўппи топилади.

Тузоққа *(узоққа)* сакраш мусобақаси.

ÖZINGNI ANGLA! HURRIYAT
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ
Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон ҚЎЧҚОР, Шерзод ҒУЛОМОВ
Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй.
Тел-факс: 142-49-91. Тел: 135-39-01, 142-52-72
Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233
Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи: Фаррух ЖАББОРОВ
Топшириш вақти — 20.00 Топширилди — 19.00
® — тижорат белгиси.
Буюртма — Г-51 Т: 4160 2 3 4 5